



**ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES**

journal homepage:  
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



## USING THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN FAMILY PLANNING AND BIRTH CONTROL

***Komiljon Zoitovich Khomitov***

*professor, DcS*

*Tashkent Financial Institute*

*Tashkent, Uzbekistan*

***Jakhongir I. Rustamov***

*junior research fellow*

*Research Institute "Family and Women"*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Keywords:** Demographic processes, population, family planning, fertility, foreign countries, repopulation.

**Abstract:** This article analyzes the issues of using the experiences of foreign countries in family planning and birth control and draws relevant conclusions.

**Received:** 07.10.23

**Accepted:** 09.10.23

**Published:** 11.10.23

## ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТУҒИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БОРАСИДАГИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

***Комилжон Зоитович Хомитов***

*профессор, и.ф.д.*

*Тошкент молия институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

***Жахонгир Икром ўгли Рустамов***

*кичик илмий ходим*

*“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар.** Демографик жараёнлар, аҳоли сони, режалаштириш, туғилиш, мамлакатлари, аҳоли такрор барпо бўлиши.

**Аннотация.** Ушбу мақолада оилани режалаштириш ва туғилишни тартибга солиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар олинган.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ПЛАНИРОВАНИИ СЕМЬИ И КОНТРОЛЕ НАД РОЖДАЕМОСТЬЮ

**Комилджон Зойтович Хомитов**

профессор, DcS

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

**Джахонгир И. Рустамов**

младший научный сотрудник

НИИ «Семья и женщина».

Ташкент, Узбекистан

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** Демографические процессы, население, планирование семьи, рождаемость, зарубежные страны, репопуляция.

**Аннотация:** В данной статье анализируются вопросы использования опыта зарубежных стран в области планирования семьи и контроля рождаемости и делаются соответствующие выводы.

---

### КИРИШ

Хорижий мамлакатлар демографик жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун уларни туғилиш умумий коэффициентининг қиймати бўйича гуруҳлаймиз. Ушбу қиймат бир аёл бутун репродуктив давр мобайнида (15 ёшдан 50 ёшгача) ўртача неча фарзандни дунёга келтириши мумкинлигини кўрсатади. Биринчи гуруҳга юқори туғилиш даражасига эга бўлган (туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2,1 дан ортиқ) мамлакатларни, иккинчи гуруҳга ўртача туғилиш даражасига эга бўлган (туғилишнинг йиғинди коэффициенти тахминан 2,1 га тенг, яъни аҳолининг оддий такрор барпо бўлиши таъминланадиган) мамлакатларни, учинчи гуруҳга паст туғилиш даражасига эга бўлган, яъни аҳолининг оддий такрор барпо бўлиши даражасидан паст бўлган мамлакатларни киритамиз. Юқори туғилиш даражаси асосан Озарбайжон, Индонезия, Қозоғистон, Покистан, Тожикистон, Ўзбекистон, Филиппин, Туркменистон, Туркия, Жазоир, Миср каби мусулмон давлатларида кузатилмоқда. Ушбу мамлакатларда аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши, биринчи навбатда, диний ва маданий хусусиятлар билан боғлиқ.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Аҳоли сонининг аҳоли такрор барпо бўлишининг юқори кўрсаткичлари ҳисобидан ўсиши Ҳиндистонда кузатилади, унинг улушига жаҳон аҳолисининг 17 фоизи тўғри келади. Ҳиндистон сони бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турадиган ишчи кучига эга бўлиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги, 28 фоизи хизматлар кўрсатиш, 12 фоизи эса саноат соҳасида ишлайди. Охириги ўн йилликларда мамлакатнинг барқарор иқтисодий

ўсиши кузатилмоқда, бироқ ушбу ўсиш тенг бўлмади. Шунга қарамай у ерда аҳолининг тўртдан бир қисми қашшоқлик даражасидан паст даражада ҳаёт кечиради. Ҳиндистонда даромадлар даражаси бўйича жамият яққол қатламларга ажралган: юқори иш ҳақи олувчи 10 фоиз аҳоли жами даромадларнинг 33 фоизини олади [1].

Ҳиндистоннинг демографик муаммоларини мамлакат олдида турган асосий иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ечими мураккаблаштиради. Масалан, 1901-1991 йилларда Ҳиндистонда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 27 кишидан 267 кишигача ошди, бу ўз навбатида ишлов бериладиган ерларга юкломани оширди. Мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини болалар ва 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Шу муносабат билан тез ортиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаблар, иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш муаммоси юзага келмоқда. Мана шунинг учун ҳам Ҳиндистонда туғилишлар сонини камайтиришга йўналтирилган демографик сиёсатга алоҳида аҳамият берилади. Ҳиндистон ривожланаётган мамлакатлар ичида расмий давлат сиёсати сифатида оилани режалаштириш миллий дастурини амалга оширишга киришган биринчи давлат бўлди. Бу мамлакат 1951 йилда иқтисодиётни ривожлантиришнинг дастлабки беш йиллик режасини бажаришга киришди. Таъкидлаш лозимки, оилани режалаштириш дастури бошиданок фақат туғилиш даражасини чеклашдан иборат бўлмади, балки ана шундай чора-тадбирлар ёрдамида жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг фаровонлигини мустаҳкамлашни асосий мақсад сифатида қўйди. Вақт ўтиши билан унинг кўриниши ўзгарди.

Ҳиндистонда дастлабки босқичда демографик сиёсат анъанавий икки-уч фарзандли оилага ўтиш вазифасини ўз олдига қўйди. У қуйидаги шиорлар остида амалга оширилди: «Икки ёки уч нафар фарзанд – етарли!», «Кичик оила – бахтли оила!» ва ҳ.к. 1981 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари аҳоли сонининг кутилганга қараганда тезроқ ўсаётганлигини кўрсатганидан кейин оилани режалаштириш дастурлари янада фаоллаштирилди, бунда фақат икки фарзандли оилага урғу берилди. Ўз навбатида, унинг шиорлари қуйидагилардан иборат бўлди: «Фақатгина икки нафар фарзандга эга бўлинг – биринчиси ва охиргиси!», «Икки нафар фарзанд – етарли!» ва ҳ.к [2].

Ҳиндистонда оилани режалаштириш сиёсати турли тарғибот, тиббий, маъмурий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни назарда тутди: бутун мамлакат бўйлаб минглаб оилани режалаштириш марказлари ташкил этилди, оила қуриш ёши оширилди ва ҳ.к. Демак, агар 50-йилларда эркаклар учун уйланиш ёши ўртача 22 ёш, аёллар учун эса турмушга чиқиш ёши ўртача 15 ёшдан сал ошиқроқ қилиб белгиланган бўлса, 60-йилларга келиб бу ёш мос равишда 23 ва 17 ёшгача, кейинчалик аёллар учун 18 ёшгача оширилди.

2000 йилдан бошлаб Ҳиндистонда аҳолининг такрор барпо бўлиши суръатларини пасайтиришга ва шу билан бирга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, болалар ўлимини қисқартириш каби вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган миллий демографик сиёсат амалга оширилмоқда.

Барча ушбу саъй-ҳаракатлар ижобий натижаларга олиб келди. Масалан, туғилишнинг умумий коэффиценти 1961 йилдаги 42,9 промилледан 2019 йилда 17,6 промиллегача камайди [3]. Ҳиндистонда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаб бўлмайди, чунки ушбу мамлакатларда демографик ривожланиш мақсадлари ва ривожланишнинг геосиёсий омиллари бир-биридан катта фарқ қилади.

Хитой аҳолисининг сони анча юқори суръатлар билан ўсмоқда. 2019 йил ҳолатига кўра, унинг иқтисодиёти номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича жаҳонда 2-ўринни (АҚШдан кейинги) эгаллаб турибди [4]. Мамлакат иқтисодий ўсишининг йиллик суръати тахминан 6,1 фоизни ташкил қилади. Охириги ўн йилликда бойлар ва камбағалларнинг даромадлари ўртасидаги фарқ, қишлоқлар ва шаҳарларнинг ривожланишидаги фарқ ва ишсизлик даражаси ошди. Хитой аҳолисининг катта қисмини қишлоқ аҳолиси ташкил қилади. Хитойда туғилишнинг юқори даражаси анъанавий тарзда кўп фарзандли оила бўлишга интилиш, кексайганда фарзандларнинг таянч бўлишига умид, деҳқон оилаларда ерга ишлов берувчилаар сонига боғлиқлик каби омилларнинг таъсири билан боғлиқ. 1950-йилларда тиббий хизмат кўрсатишнинг тубдан яхшиланиши, аҳолининг санитария маданияти ошиши, эпидемияларга қарши курашиш, умуман олганда аҳоли турмуш даражасининг ошиши натижасида ўлим сони кескин қисқарди. Хитой демографик ўсишнинг бурилиш даврини бошдан кечирди, аҳоли сони жуда юқори суръатлар билан ўса бошлади. Бу чекловчи демографик сиёсатнинг амалга оширилишини тақазо этди. Хитойда туғилиш сонини ҳар томонлама камайтиришга йўналтирилган фаол демографик сиёсатни амалга оширишга амалда 1970-йилларда киришилди, 1980-йилларнинг бошидан бошлаб эса бир фарзандли оилани қўллаб-қувватловчи чоратadbирлар амалга оширила бошлади. Оилани режалаштириш сиёсати бундай оилаларга куйидаги турли имтиёзларнинг берилишини ўз ичига олади:

- уй-жойни олиш ҳуқуқи;
- фарзандни яхши болалар боғчасига бепул бериш;
- олий ўқув юртларига ва ишга қабул қилиш чоғидаги устунликлар;
- ойлик нафақалар тўланиши.

Иккинчи фарзанд дунёга келганидан кейин оилалар ушбу имтиёزلардан маъхрум этилади ва, одатда, жарима тўлашга мажбур. Жарима миқдори даромадларга ва яшаш ҳудудига қараб белгиланади (ўртача иш ҳақининг 10-20 баробаригача). Қатор ҳолатларда (агар биринчи фарзанд қиз бўлса, энг бой қишлоқ жойларида ҳамда майда миллатлар истиқомат қиладиган ҳудудларда) 1990-йилларнинг бошидан бошлаб икки нафар фарзандли бўлишга рухсат этилган[5]. 2000 йилда Демографик сиёсат миллий дастури тайёрланди. Мазкур дастурнинг асосий мақсади 2010 йилда аҳолининг оддий такрор барпо бўлишига мос келадиган фертилик даражасига, 2045 йилга келиб эса аҳоли сонининг барқарорлашувига эришишдан иборат.

Хитойнинг демографик сиёсати туғилишнинг юқори даражасини тўхтатишга йўналтирилган. Масалан, никоҳ қуриш ёши оширилди (аёллар учун 20 ёшгача ва эркеклар учун 22 ёшгача), турли рағбатлантирувчи имтиёзлар ва, аксинча, жазо чоралари белгиланди. Хитойда демографик сиёсатнинг асосий мақсади – кўп фарзандли оиладан бир фарзандли оиллага ўтишдан иборат. Шунинг учун у қуйидаги шиорлар остида амалга оширилади: “Оилада бир нафар фарзанд”, “Бир эр-хотин жуфтлиги – бир нафар фарзанд”, “Ака-ука ва опа-сингилсиз халқ” ва ҳ.к. Бир нафар фарзанд билан чекланган эр-хотин жуфтлиги имтиёзларга эга бўлади. Икки фарзандли оила нафақат барча имтиёзлардан махрум бўлади, балки жарима тўлаши шарт, бундан ташқари, ота-онасининг лавозими ҳам пасайтирилиши мумкин. Кўп фарзандли оилалар учун иш ҳақидан ортиб борувчи чегирмалар шкаласи ҳам белгиланган. Фарзанднинг туғилиши учун рухсатни муайян муддатни кўрсатган ҳолда оилани режалаштириш маҳаллий кўмитаси беради [6].

Хитой туғилиш сонини чеклашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий чорат-тадбирларни такомиллаштириб, фарзандлар туғилишини чекловчи рағбатлантириш тизимини ривожлантирган ҳолда “кам фарзанд кўрасан, тезда бойиб кетасан” шиорини фаол тарғиб қилади. Туғилишни режалаштиришда давлатнинг ўша соҳага раҳбарлик қилиши халқ оммасининг ихтиёрийлиги тамойили билан уйғунлаштирилади. Туғилишни режалаштиришнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат: кечиккан никоҳларни ва фарзанднинг кеч туғилишини рағбатлантириш, миллат хусусиятларининг комплекс тавсифларини яхшилашга урғу берган ҳолда чақалоқлар сонини чеклаш, эр-хотин жуфтлигини фақат бир нафар фарзандли бўлишга чақириш. Режали фарзандли бўлиш сиёсати шаҳарлар ва қишлоқларда, майда миллатлар зич яшайдиган ҳудудларда ва хон аҳолиси кўпчиликни ташкил қиладиган ҳудудларда алоҳида амалга оширилади, яъни қишлоқ ҳудудларида ва майда миллатлар истиқомат қиладиган ҳудудларда заифлашишга йўл қўйилади. Ишчи кучи етишмаслиги туфайли қийинчиликни бошдан кечираётган

деҳқон оилаларига биринчи фарзанд туғилганидан кейин муайян вақт оралиғига риоя қилган ҳолда иккинчи фарзандли бўлишга рухсат этилади. Майда миллатлар истиқомат қиладиган ҳудудларда ушбу миллатнинг истаги ва сонига, маҳаллий ресурсларнинг мавжудлигига, иқтисодийнинг ҳолатига, маданий анъаналарга, халқнинг урф-одатлари ва ҳоказоларга қараб турли қоидалар мавжуд, умуман олганда, ҳар бир оила икки нафар, бошқа ҳудудларда уч нафар фарзандли бўлиши мумкин. Жуда кам сони майда миллатлар учун чекловлар мавжуд эмас [7].

Умуман айтганда, Хитойнинг демографик сиёсати айниқса шаҳарларда самарали бўлиб, туғилиш сонининг сезиларли даражада – 1980 йилдаги 39,5 фоиздан 2019 йилда 10,5 промиллегача пасайишига олиб келди [8]. Демографик жараёнларнинг давлат томонидан аниқ мақсадли тартибга солиниши натижасида Франция Европада туғилиш умумий коэффициентининг энг юқори қиймати, аҳоли табиий ҳаракати ўсишининг барқарор тенденциясига ва ижобий миграцион сальдога эга. Франциянинг 2-3 нафар фарзанднинг туғилишини рағбатлантиришга, оиланинг нуфузини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари Ҳиндистон ва Хитойнинг демографик сиёсати билан солиштирилганда турли соҳаларга йўналтирилган ва у Ўзбекистон шароитида ҳам амалий аҳамиятга бўлиб, ҳудудлардаги демографик вазиятни яхшилаш мақсадида қўлланилиши мумкин. Швеция – бу “тўлқинсимон” туғилишлар сонига ва миграциянинг юқори даражасига эга мамлакат. Швециянинг даромад олишда жинсларнинг тенглигини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий сиёсати туғилишлар сонига ижобий таъсир кўрсатди. Болаларни парвариш қилиш тизимини барпо этиш давлат сиёсати ҳам туғилишлар сонининг ошишига хизмат қилди. Оилавий нафақалар барчага, шу жумладан иммигрантларга ҳам тўланади.

Швеция ҳукуматининг никоҳдаги аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини яратишга йўналтирилган сиёсати – ҳар бир аёл пул ишлаб топиш реал имкониятларига эга. Швеция аёллар бандлиги бўйича жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига эга. Бу ерда аёлларнинг иш ҳақи уй хўжалиги даромадининг катта қисмини ташкил қиладди. Шунинг учун оилалар макроиқтисодий вазиятнинг ўзгаришига жуда таъсирчан бўлади, шунинг учун нисбатан кам даромад олувчи ва ўқиётган аёллар бошқа аёлларга қараганда кам фарзанд кўради.

Ишловчи ота-оналар учун мактабгача таълим муассасаларидаги жойларнинг керакли сони таъминланади. Ишловчи ота-оналар фарзанд бир ёшга тўлгунга қадар болани парвариш қилиш учун таътил олиш ҳуқуқига эга (2002 йил 1 январдан 13 ойга таътил олиш, шу жумладан боланинг отаси 2 ойдан фойдаланиши мумкин, бу отани фарзандлар

тарбиясига бошданок жалб этиш мақсадида назарда тутилган). «Оналик ва оталикни суғурталаш режаси»га мувофиқ, оталар ҳам, худди оналар каби, ҳар йили касал болага қараш учун 60 кунлик ва фарзанд туғилиши муносабати билан 10 кунлик ҳақ тўланадиган таътил олишлари мумкин. Швецияда манфаатларни ҳисобга олиш касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва ҳукумат билан кооперациясига асосланади. Аксарият касаба уюшмалари оила манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус бўлимларга эга. Мувофиқлаштирилган ижтимоий-демографик ва оилавий сиёсатни амалга ошириш учун бундай шароитлар бошқа ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас.

Ижтимоий-демографик сиёсат туфайли охириги йилларда Швецияда аҳолининг сони барқарор ўсиш тенденциясига эга. Ушбу мамлакатда демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари ижобий самара берапти.

Австрияда аҳоли сонининг нисбатан кам ўсиши кузатилмоқда. Бунда туғилишнинг умумий коэффициенти аҳолининг оддий такрор барпо бўлишини ҳам қопламайди. Бу демографик жараёнларни тартибга солишнинг туғилишни рағбатлантириш ва оилани кўллаб-қувватлашга йўналтирилган тизими шаклланишига олиб келди. Нафақалар миқдорини ва имтиёзларни белгилашда оиланинг даромадлари эмас, балки оиладаги фарзандлар сони биринчи ўринга қўйилади. Оилаларга ёрдам пули жамоат фондларидан берилади. Оилавий нафақаларни бериш бўйича барча ваколатларга эга бўлган Оилага компенсация фонди тадбиркорлардан келиб тушадиган маблағлардан молияланади. Бундан ташқари, ҳукумат ва ҳокимият органлари ҳам солиқ тушумларидан маблағлар ажратишади. Провинциялар аҳолининг сонига мутаносиб равишда Оилага компенсация фондига бадаллар тўлайди. Фонд Оила, ёшлар ва истеъмолчини ҳимоя қилиш вазирлигининг тасарруфида бўлади. Болалар учун нафақалар, агар улар ўқиётган бўлишса, 27 ёшгача тўланади.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, демографик инкирозни бошдан кечирган ривожланган мамлакатларда аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш оила билан ишни биргаликда олиб бориш учун шароитлар яратган ҳолда, ижтимоий таъминотнинг юқори даражасига, гендер тенглигига, мослашувчан меҳнат бозорига эришиш йўли билан амалга оширилади. Аҳоли сонининг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган мамлакатларда тесқари вазият кузатилади, уларда давлатнинг саъй-ҳаракатлари жамиятга ижтимоий-иқтисодий босимни пасайтириш мақсадида туғилишлар сонини чеклаш ёрдамида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини пасайтиришга йўналтирилган.

Оилани режалаштириш аёллар, оналар, болалар ва оилаларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилайти. Бу уларнинг ҳаётини назорат қилишда, ишлаш, мартаба қозониш, саёҳат қилиш ёки фарзанд кўришни режалаштириш, аёлнинг танловига айланади. Муваффақиятли оилани режалаштириш аёллар, айниқса, ёш ва ёши катта аёлларда ҳомиладорлик билан боғлиқ соғлиқ учун хавфларнинг олдини олади. Исталмаган ҳомиладорлик туфайли юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий ёки ҳиссий юкларни енгиллаштиради.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abduramanov Hamid Khudaybergenovich. “Demographic Development Tendencies of the Family in Uzbekistan”. International Journal of Trend in Scientific Research and Development. Vol 3 (1), 2018, pp.617-620. <https://doi.org/10.31142/ijtsrd19013>

2. Abduramanov K. K. Ways Of Improving Social Support Of The Aged Population In The Conditions Of Senility Tendency Deepening //European Journal of Business and Economics. – 2010. – Т. 1. DOI: <https://doi.org/10.12955/ejbe.v1i0.80>

3. Абдураманов Х.Х. ЯШИЛ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. «Минтака аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини яхшилаш: ҳозирги аҳоли, муаммолари ва тараққиёт стратегияси». Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Нукус, 2018. – 264-265 б. Available from: <https://www.researchgate.net>

4. Абдураманов Х.Х. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ. “Иқтисодийтни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2018. – 248-250. Available from: <https://www.researchgate.net>

5. Абдураманов Х.Х. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси: макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истиқболлари. Илмий маъруза ва мақолалар тўплами. – Тошкент, 2019. – 48-55. Available from: <https://www.researchgate.net>

6. Abduramanov X.X. [O‘ZBEKISTONDA TASHKILLASHTIRILGAN MIGRATSIYA JARAYONLARINING TAHLILI](#). Ўзбекистон республикасини ривожлантириш стратегиясининг янгибосқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Тошкент, 2019. – 157-159. Available from: <https://www.researchgate.net>



7. Абдураманов Х.Х. КЛАССИФИКАЦИЯ УГРОЗ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СВЯЗАННЫХ С ДЕМОГРАФИЧЕСКИМИ ПРОБЛЕМАМИ. Proceedings of the 4<sup>th</sup> International Scientific and Practical Conference «Scientific Research in XXI Century». Ottawa. 2020. - P.21-26. Available from: <https://www.researchgate.net>

8. Абдураманов Х.Х. ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. «Иновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, 2020. – 8-11-б. Available from: <https://www.researchgate.net>

9. Абдураманов Х.Х. ДЕМОГРАФИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон, 2019. – 21-25 б. Available from: <https://www.researchgate.net>

10. Абдураманов Х.Х. ДЕМОГРАФИЯ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. “Тизимли тадқиқотлар” илмий-таҳлилий журнал. №1. – Тошкент, 2020. – 101-111 б. Available from: <https://www.researchgate.net>

11. Абдураманов Х.Х. Социальная защита престарелых: на примере Республики Узбекистан. Проблемы современной экономики. №2 (58), 2016. Available from: <http://m-economy.ru/art.php?nArtId=5802>

12. Абдураманов Х.Х. Иқтисодий хавфсизликка таъсир кўрсатувчи демографик таҳдидларнинг бартараф этиш йўллари. Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. №4. Тошкент, 2020. 135-139 б. Available from: <https://www.researchgate.net>

13. Абдураманов Х.Х. МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий районларининг ишлаб чиқариш структурасини оптималлаштириш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Нукус, 2017. – 227-229 б. Available from: <https://www.researchgate.net>

14. Абдураманов Х.Х. ДЕМОГРАФИЯ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ. МОЛИЯ ВА БАНК ИШИЭЛЕКТРОН ИЛМИЙЖУРНАЛИ. №5. - Тошкент, 1-10 б. Available from: <https://www.researchgate.net>